

## РУҲИЙ ТАРБИЯ (1-жилд, ПОКЛАНИШ)



05:00 / 02.02.2015 5754

### РУҲИЙ ТАРБИЯ (1-жилд, ПОКЛАНИШ)

Руҳий-маънавий қисм «тазкийтун-нафс» – нафсни поклаш деб аталиб, унда мўминларнинг нафсларини кучлантириш, уларга фазилатларни касб қилдириш ва разолатлардан холи қилиш киради. Бу борада нафс сўзи билан бирга қалб, руҳ деб аталадиган маънолар ҳам катта аҳамият касб қилади. «Нафсни поклаш» ибораси ўрнига қалбни поклаш ёки руҳни поклаш ишлатилиши ҳам мумкин.

### МУҚАДДИМА

Бандаларни нафсларини поклашга ва ахлоқларини сайқаллашга ундаган Ҳақ таолога битмас-туганмас ҳамду санолар бўлсин!

Умнатларига нафсни поклашда ўрнатилган бўлган ва Роббиси: «Албатта, сен улуғ хулқдасан» дея мадҳ қилган Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафога батамом ҳамда мукаммал салоту саломлар бўлсин!

Аллоҳ таолонинг охирги ва мукаммал, қиёматгача боқий қолувчи, барча замонлар ва маконларга хос, инсониятни икки дунё саодатига етакловчи

Ислом дини инсоннинг жисмига ҳам, руҳига ҳам алоҳида аҳамият қаратади. Ислом инсоннинг жисмоний тарбиясига эътибор берганидек, руҳий тарбиясига ҳам эътибор беради.

Қуръони карим оятлари ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларида ҳам мазкур икки жиҳат хусусида ўзига хос таълимотлар келган.

Диний вазифаларнинг жисмоний амаллар ила зоҳир бўладигани шариат деб аталиб, унинг тафсилотларини фикҳ илми Қуръони карим ва Суннат асосида баён қилиб беради.

Динимизнинг руҳий-маънавий ва ахлоқ-одобга оид таълимотларини Қуръони карим ва Суннат асосида руҳий тарбия илми баён қилиб беради.

Руҳий-маънавий қисм «тазкийтун-нафс» – нафсни поклаш деб аталиб, унда мўминларнинг нафсларини кучлантириш, уларга фазилатларни касб қилдириш ва разолатлардан холи қилиш киради.

Бу борада нафс сўзи билан бирга қалб, руҳ деб аталадиган маънолар ҳам катта аҳамият касб қилади. «Нафсни поклаш» ибораси ўрнига қалбни поклаш ёки руҳни поклаш ишлатилиши ҳам мумкин.

Қалб Роббоний, руҳоний ва латиф нарса бўлиб, у инсоннинг моҳиятини намоён қилади. Идрок, билим ва маърифат ҳам, хитоб, итоб, иқоб ва талаб ҳам ундандир.

Руҳ билувчи ва идрок қилувчи латиф нарсадир. Унинг ҳақиқатини Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайди.

Нафс инсондаги ғазаб ва шаҳватни жамловчи маънодадир. Ҳа, нафс деганда кўпроқ ёмон сифатларни ўзида жамловчи нарса кўзда тутилади. Мазкур уч нарса орасида нозик фарқлар бўлса ҳам, поклаш маъноси қўшилганда бирлашади.

Аммо Қуръони каримда нафсни поклаш ҳақида кўп сўз кетгани учун қалб, руҳ сўзларидан кўра айнан нафс сўзини ишлатиш кенг тарқалиб қолган.

Ахлоқ-одобга тегишли қисм «тахзийби ахлоқ» – ахлоқни сайқаллаш деб аталиб, унда мўминларнинг ахлоқ ва одобларига тегишли таълимотларни ўрганиш ва уларга амал қилиш йўлга қўйилади.

Нафсни поклаш ва ахлоқни сайқаллаш дунёдаги энг муҳим ишлардан саналади. Бу муҳим ишга динимизда алоҳида эътибор берилган. Мусулмон умматининг аввалги авлодлари бу вазифани шараф билан адо этиб келганлари барчага маълум.

Шунингдек, бу муҳим иш турли сабабларга кўра гоҳида таназзулга юз тутиши ҳам мумкин. Аллоҳ таолога ҳамдлар бўлсинки, мусулмонлар ичида мазкур ишдаги таназзулга қарши курашга бел боғлаганлар топилиб турган. Асрлар оша руҳий тарбия устозлари ва уламоларимиз нафсни поклаш ва ахлоқни сайқаллашга алоҳида эътибор билан ёндошиб

келмоқдалар.

Аллоҳ таолонинг ёлғиз Ўзидан илтижо қилиб, ёрдам ва тавфиқ сўраган ҳолда бошланаётган ушбу камтарона сатрларни мазкур улуғлар ёзган рухий тарбия дастурхони четида «чақирилмаган меҳмон бўлиш» деб қабул этгайсиз.

Келажак сатрларда бирор фойдали нарса топсангиз, Роббимизнинг марҳаматидан, камчилик ва нуқсонлар бўлса, камина ходимингиздан деб билгайсиз.

## МУНДАРИЖА

Муқаддима

Нафс ва уни поклаш

Ахлоқ ва уни сайқаллаш

Нафсни поклаш ва ахлоқни сайқаллашдан мақсад

Нафсни поклаш ва ахлоқни сайқаллаш илми тарихи

Тиббул қулуб

Диёримиздаги ҳолат

Камтарона уриниш

Илмнинг фазли ва унга оид масалалар

Илм талаби фарзлиги

Илмнинг фойдалари

Илмларнинг турлари

Фасл

Муаллим ва мутааллим одоблари

Ноқобил уламолар

Охират уламолари

Воситалар

Таҳорат

Таҳорат – поклик фойдалари

Намоз

Намозда хушуъ

Намозда қалб ҳозирлиги

Намозда қалб ҳозир бўлиши омиллари

Намозга оид барча амалларда қалб ҳозирлиги

Закот

Шаръий талаблар тақсими

Закот беришнинг нозик одоблари

Закот олишнинг нозик одоблари

Ихтиёрий садақа ҳақида

Рўза  
Рўзанинг нозик сирлари  
Ҳаж  
Ҳажнинг одоблари  
Ҳажнинг нозик сирлари  
Қуръони карим тиловати  
Қуръонни кўтарганларнинг сифатлари  
Қуръон тиловати одоблари  
Қуръон қироати самаралари  
Қуръон қироатининг нозик сирлари  
Зикр  
Зикрнинг фойда ва самаралари  
Зокирнинг одоблари  
Тафаккур  
Злимни эслаш  
Муробата  
Биринчи мақом  
Мушората  
Иккинчи мақом  
Муроқаба  
Учинчи мақом  
Амалдан сўнг нафсни ҳисоб китоб қилиш  
Тўртинчи мақом  
Нафсни камчилиги учун жазолаш  
Нафс поклиги моҳияти  
Бешинчи мақом  
Мужоҳада  
Шайтоннинг қалбга йўл олишини тўсиш  
Нафс риёзати ва хулқни сайқаллаш  
Ахлоқни сайқалаш йўли  
Қалб хасталиги ва тузалгани аломатлари  
Ўз айбини билиш йўллари  
Фасл  
Ҳусни хулқнинг аломатлари  
бола тарбияси боланиши  
қорин ва фарж шаҳватини синдириш  
тил офатлари  
Каломнинг офатлари:  
Биринчи офат – кераксиз сўз.  
Иккинчи офат – ботил сўзга киришиш.

Учинчи офат – гапда чуқур кетиш.

Тўртинчи офат – фаҳш, сўкиш ва ачитиб гапириш.

Бешинчи офат – мазаҳ.

Олтинчи офат – масхара ва истехзо.

Еттинчи офат – ёлғон.

Саккизинчи офат – ғийбат. Ғийбатнинг сабаблари ва иложи  
Ғийбатнинг иложи.

Қалб ғийбати.

Ғийбатнинг зарарларидан:

Ғийбатга рухсатли узрлар:

Ғийбатнинг каффороти.

Тўққизинчи офат – чақимчилик.

Чақимчилик қилишнинг сабабларидан:

Чақимчиликнинг зарарларидан:

Ўнинчи офат – иккиюзламачининг гапи.

Ўн биринчи офат – маддоҳлик.

Ўн иккинчи офат – гапни диққат билан гапирмаслик.

Ўн учинчи офат – илмсиз кишининг илмий гапларга аралашиши ва инжиқ саволлар бериши.

Нафсни хасталиклардан поклаш

Куфр

Куфрнинг зарарларидан:

Мунофиқлик

Мунофиқликнинг зарарларидан:

Фосиқлик

Осийлик

Осийликнинг зарарларидан.

Бидъат

Риё

Риёнинг зарарларидан:

Риёнинг даражалари.

Риёнинг ҳукми.

Чумоли ўрмалашиданда махфий риё ҳақида

Амални ҳабата қиладиган ва қилмайдиган риё ҳақида

Риёнинг давоси

Тоатни ошкора қилишга рухсат

Гуноҳни беркитишга рухсат

Одамлар кўрса қилинадиган ва қилинмайдиган ишлар

Шухрат ва риёсат муҳаббати

Шухратпарастлик давоси

Одамларнинг мақтови ва танқиди

Ҳасад

Ҳасаднинг зарарларидан:

Ҳасаднинг сабаблари

Ҳасаднинг давоси

Кибр ва манманлик

Кибрнинг сабаблари.

Кибрнинг даражалари:

Кибрнинг турлари:

Кибрнинг ҳукми.

Кибрнинг зарарларидан:

Кибр ва тавозуънинг белгилари:

Кибрни даволаш йўллари

Манманлик

Манманликнинг давоси

Бахиллик

Бахилликнинг зарарларидан:

Бахилликнинг давоси:

Молу дунёга муносабат

Молу дунёнинг фойдалари:

Молу дунёнинг зарарлари:

Ҳирс ва тамагирлик ҳамда қаноат

Тамагирликнинг зарарларидан:

Ҳирс ва тамагирликнинг давоси:

Фурур

Фурурга кетишнинг зарарларидан:

Фурурнинг турлари

Фурурга кетган гуруҳ фурурининг давоси

Ноўрин ғазаб

Ғазабнинг сабаблари ва давоси

Ғазабнинг амалий давоси:

Ғазабни ютишнинг фазли

Ҳилмнинг фазли

Маънавий зулмга жавоб қайтариш

Бу дунё муҳаббати

Бу дунё ҳақиқати ва моҳияти

Ҳавойи нафсга эргашиш

Ҳаво ва шахват орасидаги фарқ:

Ҳавойи нафсга эргашишнинг зарарларидан: